



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 15 декабр, жума № 49 (432)

Сотувда нархи эркин



Катта муҳандис Худойберди КЕЛДИЕВ «Сурхондарё Телеком» шўба корхонасида узок йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

ҲАМСУҲБАТ

Кечкурун ишдан қайтган, оилангиз билан дастурхон атрофида телевизор тамоша қилиб, радио эшитиб, ҳордиқ чиқаришга нима ётсин. Ана шундай пайтда газета ўқиб, дунё янгилıklarидан хабардор бўлишининг ҳам гашти ўзгача.

Мен соҳамизни ёритувчи «Хабар» газетасини доим ўқиб бораман ва бир нарса эътиборимни тортади. Атиги тўрт саҳифадан иборат мана шу кичкинагина газетада алоқа соҳасидаги муаммо ва янгилıklarдан тортиб, жаҳон миқсидидаги узғаришлар, фан-техника янгилıklarлари, тарихи-

миз, маънавий меросимиз, буюк алломаларимиз ҳақидаги мақола ва ҳикоялар, ҳажвия-ю ҳангома-ларни ўқийшингиз мумкин. Агар сизга теледастур керак бўлса марҳамат, у ҳам бор.

Сунги пайтларда таниқли санъаткорларимиз билан суҳбатлар ҳам муштарийлар эътиборига ҳавола этиляпти. Бу ҳам айни муддао бўлди. Чунки машҳурларнинг ҳаёти ва ижоди, уларнинг дунё ҳақидаги фикр-мулоҳазалари барчани қизиқтиради.

Хуллас, ҳар гал «Хабар» газетасини қўлимга олар эканман, ушбу маънавият кўзгусини биз муштарийларга етказиб бериш-

да таҳририят ходимларининг машаққатли меҳнати ҳам кўз олдимда туради. Газетхонларнинг кўнглидагини топиб айтиш осон бўлмаса керак, албатта.

Бугун газета ва журналларга обуна жараёни қизгин давом этаётган бир пайтда мен барча алоқачиларни узимизнинг сеvimли «Хабар» газетамизга обуна бўлиб, ундаги маънавий озуқадан баҳраманд бўлишларини тилаб қоламан. Ўз навбатида «Хабар» ходимларига келгуси ишларида омад, ижодий баркамоллик тилайман.

В. АСИРАЕВ,
Тошкент Алоқа коллежи ўқитувчиси

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«ХАВАР» газетасига 2001 йил учун обуна давом этмоқда! Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи: Якка тартибдаги обуначилар учун – 227. Ташкилотлар учун – 228.

«ХАВАР» газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума кuni хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилиң!

• Иккинчи қаҳирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси 2000 йил, 14 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

• Мамлакатимизга ташриф буюрган жаҳон божхона ташкилоти Бош директори Мишел Дане Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов билан учрашди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАВАРЛАР

• Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасида замондош француз ёзувчиси Жан-Мари Гюста Ле Клезионинг ўзбек тилига ўгирилган «Мондо ва бошқа ҳикоялар» номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

• Иқлимнинг дунё миқсидида исийтгани Болгария табиатида ҳам салбий таъсир этмоқда. Маҳаллий табиатунослар яқин ун йил ичида Болгарияда сув танқислиги бошланади ва бу курғоқчилик 50 йилгача чўзилиши мумкин, дейишмоқда.

• Лондон кўчаларида 15 мингдан ортққ талаба намоийш уюштирди. Улар ҳукуматдан Буюк Британия олий ўқув юртлирида жорий қилинган пулли таҳсил тартибини бекор этишни талаб қилмоқда.

• Туркия президенти Аҳмед Неҳдет Сезернинг оила аъзолари ўзларининг ўта камтарлиги билан фуқароларни ҳайратда қолдиримоқда. Давлат раҳбарининг рафикаси Серайнинг шифокор хузурига қилган ташрифи бунга мисол була олади. У барча беморлар қатори узоқ вақт навбат кўтиб шифокор қабулига кирди. Қаршисидаги беморнинг кимлигини билган шифокорнинг тили каллимага келмай қолди. Президентнинг ўзи эса Озарбайжондан қайта туриб аэропортда уни ҳарбийлар саф тортиб кўтиб олишини ортиқча деб айтди.

ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг навбатдан ташқари ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директори Ф. Абдуллаев бошқарди. Мажлисида долзарб масалалар кўриб чиқилди.

«Агентлик корхона ва ташкилотлари томонидан курсатилувчи хизматлар экспорти истиқболи тўғрисида» Агентлик бош директори уринбосари М. Маҳмудов маъруза қилди. Маърузачи бу борада йил бошидан шу пайтгача амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар хусусида суз юритди. «Агентликнинг 2001 йилги Инвестиция дастурининг истиқболи лойиҳаси тўғрисида» Агентлик бош директори уринбосари Ш. Обидхужаев маъ-

рузаси тингланди. Маърузачи ушбу масала буйича келгуси йили қилиниши лозим бўлган вазифаларга тўхталиб ўтди. «Тошкент электротехника алоқа институти, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тармоқ институтлари билан ҳамкорликда 2001–2003 йилга режалаштирилган илмий-тадқиқот ишлари дастури ҳақида» Тошкент электротехника алоқа институти проректори Р. Абдурахмонов, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази бошлиқ уринбосари З. Гисовлар маъруза қилишди. Ҳар иккала маърузачи юқоридаги масалалар буйича амалга оширилажак ишлар ҳақида маълумот беришди.

Ҳайъат йиғилишида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

ЯНГИ ЖАМИЯТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

«Ўзбектелеком» АК таркибидидаги Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмасини хусусийлаштириш ва янги «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» очик турдаги акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида таясис мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси «Ўзбектелеком» АК бош директори А. Жўрабоев бошқарди. Йиғилишида «Ўзбектелеком» АК вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи Ж. Деҳқонов, Республика алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т. Назаржоновлар иштирок этишди.

Кун тартибидидаги масалалар буйича «Ўзбектелеком» АК бош директори А. Жўрабоев, «Ўзбектелеком» АК бош директори уринбосари М. Кожакин, Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи уринбосари И. Голиков ва корхона бош ҳисобчиси Г. Кимларнинг маърузалари тингланди.

Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи вазифасида ишлаб келган Аъзам Избосаров янги ташкил этилган «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» очик турдаги акциядорлик жамияти бош директори этиб тайинланди.

Ҳ. ХОЛМУҲАММЕДОВ

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Тошкент электротехника алоқа институтида Конституцияда мизнинг саккиз йиллигига бағишланган байрам тантаналарида Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Назруллаев қатнашди.

Йиғилишни институтнинг маънавий-маърифий ишлари буйича биринчи проректори З. Юсупов олиб борди. Нормурод ака учрашув қатнашчиларини Езувчилар уюшмаси номидан табриклаб, қомусимизнинг мазмун-моҳияти ҳақида ўз фикрларини билдирди. Шундан кейин шоир ўзининг Ватан, Ватанга муҳаббат ва мустақилликка бағишланган шеърларини ўқиб берди.

Учрашув якунида талабалар томонидан Конституция кунига бағишланган концерт дастури намоийш этилди.

Ф. АСОМХЎЖАЕВ
ТЭАИ маънавият ва маърифат маркази услубийтчиси

Бугунги кунда ҳаёти-мизни газеталарсиз тасаввур этиш қийин. Кундалик нашрлар бизни мамлакатимиз ҳаёти ва дунё воқеаларидан хабардор қилади. Шунингдек, газета ва журналлар ишончли маълумат-гўйимиз ва сирдоши-миқдир.

Юртбошимиз И. Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригидеда шундай сўзлар бор: «Бугунги таҳликали замонда ҳар қайси онгли инсон, ёши, касбиқори, лавозимидан қатъий назар ўзига руҳан яқин, кунуночу ташвишлари, дарду гамига шерик бўладиган бир суҳбатдош излайди. Менинг назаримда, матбуотни ана шундай суҳбатдошга қийслаш мумкин».

Мана деярли тўққиз йилдирки, алоқачиларнинг ягона «Хабар» газетаси тармоқ ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида газета адади салкам ўн минг нусхани ташкил этди. Бу кўрсаткич республикадаги етакчи газеталар билан муқояса қилинса, «Хабар» газетасининг маъқеи ҳам ёмон эмасдек туюлади. Айни чоғда масалага чуқурроқ назар солсак, кунгилда қандайдир қониқмаслик ҳиддиси ҳам пайдо бўлади.

Ҳар гал газета саҳифаларини варақлар

эканман, ҳаёлимни бугунги кунда газетамиз маъқеи, сифат даражаси қандай, ютуқ-камчиликлар нималардан иборат, нима қилсак газета алоқачиларнинг ҳақиқий минбарига айланади, уни нафақат алоқачилар, балки бошқа соҳа хизматчилари, қолаверса, кенг омма кидириб топиб уқийдиган газетачи айлан-тириш учун нималарга эътибор бериш керак деган фикрлар чулғаб олади.

Яқинда бўлиб ўтган селектор-кенгашда Тошкент шаҳри ва вилоятларда «Ха-

Газета муштариининг кунгидега гални топсин, унинг ахборотга булган чанқоғи қондира олсин. Матбуотнинг бош вазифаси — уқувчиларини ахборотлардан воқиф қилиш, одамлар фикр-мулоҳазаларини акс эттириш, фикрлар, қарашлар хилма-хиллигига эришиш, жамоатчилик фикрини шакллантиришдан иборат.

Тармоқ газетасининг вазифаси миллий истиқлол мафқурасининг моҳиятини алоқачиларимиз қалби ва онгига сингдириш, соҳа-

юмушлари, қоғоз, маблағ топиш билан ўтаётганига тақалади. Айни чоғда, «Хабар» газетаси ҳам бу муаммолардан холи деб айтолмаймиз. Ҳозир обуна жараёни узининг ҳал қилувчи палласига кирди. Шундай экан, «Хабар» газетасига обуна жараёни қандай кечмоқда? Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятлари юқори курсаткичларга эришган бўлса, баъзи вилоятларда обуначилар сони бармоқ билан санарлидир. Газета-

раҳбарларининг ўз ҳодимларига обуна бўлишлари учун моддий ёрдам бераётганлигини маънавиятга курсатилётган эътибор дейиш мумкин.

Маълумки, газетани чоп этишдан то обуначи қўлига етиб боргунча булган жараёнда бешта корхона иштирок этади. Демак, обуна нархи шу беш корхона кўйган нархлар йиғиндисидан иборатдир. Уларнинг ичида энг салмоқлиси тахририят нархидир. Тахририят харажатларининг катта қисмини қоғоз сотиб олиш ва босмахо-на харажатлари ташкил этади. Агар тахририятнинг қоғоз таъминотиға йирик корхоналар ёрдам қўлини чўзса, тахририят нархини 30-40 фоизга камайтириш имкони буларди. Шунингдек, «Халқроқ почта» АЖ, «Матбуот тарқатувчи» АЖ ҳамда почта корхоналари соҳанинг ягона газетасига имтиёзли нархлар белгиласалар, обуна нархи кескин камайиб, «Хабар» кўллаб алоқачиларнинг оилаларига кириб борган бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, газета маънавиятимиз кузгуси булган холис бир минбардир. Келинг, соҳамизнинг ягона газетасини ҳар томонлама кўллаб-қувватлайлик ва шу минбардан туриб ўз фикримизни баралла айттайлик.

Абдусаттор ОРТИҚОВ,
«Ўзбекистон почтаси»
ДАК бош директорининг
ўринбосари

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА

бар» газетасига обунанинг бориши масаласи куриб чиқилди. Унда газетани кенг ўқувчилар оммасига етиб боришини таъминлаш, обуна масаласида моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан биргалликда тахририят ходимлари газетани янада мазмундор қилиши, соҳанинг жиддий муаммоларини кунроқ кутариши лозимлиги каби масалалар ҳам куриб чиқилди.

Албатта, газетани турли олдидега, шов-шувли материаллар билан тулдириб, 100 минглаб нусхада чоп этиш мумкин. Бундай материаллар хориждан кел-ётган газета ва журналларда, «Интернет» саҳифаларида тулиб-тошиб ётибди. Аммо бу йил соҳа газетаси учун мутлақо турри келмайди. Газета қизиқарлироқ бўлсин деган сўзда бошқа маъно бор.

нинг стратегик йўналишлари, муваффақиятлари, жиддий муаммоларини ёриштириш. Ривожланган мамлакатлар билан ҳамдустлик мамлакатлари алоқа соҳасида эришган ютуқларни таққослаш учун статистик маълумотлар берилса, қандай яхши буларди. Айни пайтда газета камчиликларга мурокасиз, ҳеч қандай таъйиқ-таъсирга муте бўлмай, узининг мустақил сузи, мустақил қарашларига эга бўлиши керак.

Тахририят ходимлари олдидега турган муаммолардан ҳам куз юмиб бўлмайди, албатта. Мен матбуот тарқатиш ишлари билан шуғулланганим учун кўллаб муҳаррирлар билан мулоқотда бўлишга турри кел-ди. Гап охири-оқибатда бош муҳаррирнинг асосий иш вақти ижод билан эмас, балки ҳужайлик

га умуман обуна бўлмаган алоқа корхоналари ҳақида нима дейиш мумкин? Агар раҳбар соҳа газетасини ўқимаса, юз бераётган ўзгаришларни хис қилмас, у корхонани қандай бошқаради?

Обуначилар сонини кўпайтиришнинг бир йўли — газета нархини иложи борица пасайтиришдир. Кўпича йил охирига бориб газеталар тиражи кескин камайиб кетади. Демак, нархларнинг нисбатан қимматлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Очигини айтганда, ҳар қимнинг ҳам бира тула бир йилга обуна бўлишга қўрби етмаслиги мумкин. Шу уринда «Хабар» газетаси тахририяти бу йилги обуна нархини утган йилги даражада сақлаб қолганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Шўҳасиз, кўллаб корхона

МИЖОЗГА ҲУРМАТ — КАСБГА ЭЪТИҚОД

Бухоро давлат алоқа инспекцияси ходимлари томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши билан келишилган режага мувофиқ вилоятдаги почта ва телекоммуникация соҳасида хизмат курсатувчи 12 та ҳужайлик юрт-тувчи субъектларда назорат тартиби буйича текширувлар ўтказилди. Текширувларда ҳужайлик юрт-тувчи субъектларда фаолият курсатиш учун берилган лицензия ва лицензия келишуви шартларининг бажарилиши, курсатиладиган алоқа хизматларининг сифати, фуқаролар мурожаатлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши урганиб чиқилди. Айни чоғда алоқа хизматида миждозлар билан ишлаш маданиятини ўрганишга ҳам жиддий эътибор қилинди. Текширишлар давомида миждозлар билан бевосита мулоқотда бўлинди, уларнинг тақлиф ва истақлари ҳам урганиб чиқилди. Бухоро давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг Бухоро шаҳар Янгибозор ва Вобкент тумани электралоқа боғламаларида қисқа муддатлар ичида алоқа ходимларининг иш ўринларини эстетик жиҳозлаш, алоқа боғламалари биноларини таъмирлаш, миждозларга қўлай шaroитлар яратиш борасидаги алоқа хизматларининг яхши йўлга қўйилганлиги миждозларни мамнун этавтир. Бухоро шаҳри электралоқа боғламаси биносининг биринчи қавати капитал таъмирланди, барча қўлай-

ликларга эга булган абонентлар бўлими очилди ва ишга туширилди. Ҳозирги вақтда ушбу бўлимда 5 та касса аҳолига уз-луксиз хизмат курсатавтир. Шу билан бирга аҳолининг навбатда кўп кутиб қолишларининг олдини олиш мақсадида шаҳарнинг Шарқ-1, 5, 6 ва шимолий кичик шаҳарчаларида қўшимча туртта касса бўлиmlари ҳам ташкил қилинди.

Аҳолидан телефон носозликларни тўғрисида тушадиган буюртмаларни марказлаштирилган ҳолда қабул қилиш ташкил қилинганлиги, таъмирлаш бюросининг янада самарали ишлаётганлиги телефон носозликларининг назорат муддатларида бартараф этилишига, бу эса ўз навбатида аҳолидан тушадиган ариза ва шикоятларнинг кескин камайишига сабаб бўляпти. Таъмирлаш бюросининг 08 хизматида ишлайдиган операторлардан Хосият Сайфиева ҳамда Олима Мирзаеваларнинг ўз касбларига фидойийлиги айниқса миждозларга хушмуомалалиги ва ҳозиржавоблиги таҳсинга сазовордир.

Бугунги кунда Бухоро шаҳар телефон станциясида урточа бир кунлик телефон носозликларни тўғрисидаги буюртмалар сони 91 тани, телефон линиялари носозликлари эса 51 тани ташкил қилади.

Телефон носозликларининг деярли ҳаммаси назорат муддатларида тузатишмоқда. Гиждуювон, Ромитан, Шифиркон, Қогон ва бошқа туман электралоқа боғламалари раҳбарлари бугунги кунда Бухоро шаҳрида миждозларга яратилган қўлайлик-

лар ҳамда ташаббускорлик билан қилинаётган ижобий ўзгаришлардан андоза олиб, ушбу янгиликларни туман электралоқа боғламаларида ҳам жорий этмоқдалар.

Алоқа хизмати сифати буйича аҳоли ўртасида ўтказилган мониторинг натижалари шуни курсатдики, телекоммуникация буйича курсатилётган алоқа хизматларидан барча мамнун, аммо айрим 04, 09, 062 хизмати ходимлари ҳамда туман бўлиmlарида хизмат курсатувчилар миждозлар билан муомала маданиятини яхшилашга эътиборни кўчатиришлари лозим. Бугунги кунда миждозлар билан бевосита иш олиб борувчи алоқа ходимларини танлашда раҳбарлар ходимнинг давлат тилини ва телефон алоқасидан фойдаланиш қоидаларини яхши билишига, алоқа хизматларига қўйилган тарифлар ҳамда алоқа хизматлари юзасидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар тўғрисида етарли маълумотларга эга бўлиши, иш жойидаги техникани мукамал ишлашга билиши ва муомала маданиятига ҳам эътибор бериши аини муд-дао булар эди.

Бу эса ўз навбатида хизмат курсатиш маданиятини ҳамда алоқа хизмати сифатини яхшилашда ўз самарасини беради. Шу билан бирга касбимизга булган ҳурмат-эътибор ҳам янада ошаверади.

А. АТАМУРАДОВ,
Бухоро давлат
алоқа инспекцияси
бошлиғи

«ЎЗБЕКИСТОН МАРКАСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 2001 ЙИЛ, 15
ЯНВАР СОАТ 15.00 ДА БЎЛИБ ЎТАДИ. РЎЙХАТДАН
ЎТКАЗИШ СОАТ 13.00 ДАН БОШЛАНАДИ.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Ўзбекистон маркаси» АЖ Уставининг айрим моддаларига ўзгартириш киритиш.
2. «Ўзбекистон маркаси» АЖ Кузатув Кенгаши аъзоларининг сонини белгилаш, янги аъзоларни киритиш.
3. «Ўзбекистон маркаси» АЖ Кузатув Кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариб турган даврда бадал тулаш тўғрисида Низомга ўзгартиришлар киритиш.

Манзилмиз: Тошкент-11, Навоий кўчаси, 28-а уй.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 133-73-78.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиғига мувофиқ, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиғи Электрромагнит Мослашув Маркази огоҳлантиради:

Республика ҳудудиға рухсатномасиз олиб кирилган ҳамда сотувада бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (радиоузаткич телефонлари, радиостанциялар, радиотелефонлар ва ҳоказо) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб кирган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудиға олиб кириш учун рухсатнома олишни ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари буйича Электрромагнит Мослашув Марказига мурожаат қилишингиз керак.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 117-уй.
Телефонлар: 137-63-67; 137-63-74; 137-63-68.

ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ

Муҳаббат недир? Давосиз дардми?... Қалбларни зор қашатган, ҳижрон оловида куйдириб, висол ишида сўлдирган туйғуми бу? Тангрининг инсонларга берган иноятими ёки бир синовми? Бу савдога йўлиққан киши ундан осонликча кутулиши қийин.

Ҳар не бўлганда ҳам муҳаббат масъулият ва жавобгарликка, садоқат ва ишончга таянадиган бир туйғу.

Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавийнинг гаройиб мақбараси бор. Бу мақбара Амир Темурнинг фармонига биноан бунёд этилган. Унинг зангор гумбази қуёш нурларида узгача жилваланиб туради. Аммо унда кузга ташланадиган бир нуқсон бор. Меъморий уйғунлик охирига етказилмаган, умумий мажмуага ёпишмайроқ қолган. Бунинг

ра куйган кунгил изтиробларини ошкор эта бошлаганди. Марзия ҳам қалбида жуш урган муҳаббат олови тобора аланга олаётганини ҳис қиларди.

Кунларнинг бирида Марзия устага бир пивла сув узатаётганида йигит беихтиёр қиз юзидаги пардани кутариб юборади. У гузалнинг жамоли ҳаммани ҳайратга солади ва хавотирга қўяди. Ахир қандайдир кулбачча подшо қавмидан бўлган маликанинг юзидаги пардани кутаришга жазм қилса-я?!

Усталар ёш йигитни ўраб олиб, бу воқеадан кейин нималар руй бериши мумкинлигини тахмин қила бошлайдилар. Йигитни титроқ босади. Улар уша тунда қочиб кетишади.

Қочоқлар узоққа бора олмайдилар. Бийдай даштда

ОШИҚ УСТА ВА МАЛИКА

эса узига хос сабаблари, яъни бир севги тақдири мавжуд.

Буюк саркарда Амир Темур улуг Хожа Аҳмад Яссавийга ҳурмат бажо келтириш учун бетимсол мақбара барпо этишга қарор қилади. Бунинг учун кули гул усталарни, нақшошу дурадгорларни йиғади. Буни қарангки, ганчкорларнинг етакчиси, ёшгина бир йигит уларнинг орасида ажралиб турарди. У оддий лойига ҳам жон киритиб юборадиган даражада моҳир уста бўлиб, жуда келишган ҳам эди. Аллоҳ бу устани бирор-бир томондан қисмаган, ҳатто ширали овоз бериб, ҳофиз даражасига кутарганди.

Ҳар оқшом усталар ишларига яқун ясаганларидан сунг йигит қад кутараётган мақбара девори устига чиқиб қушиқ айтишни бошлар экан. Унинг мўъжизакор овози узоқ-узоқларга таралар, уни одамлару сайроқи қушларгача маст бўлиб тинглашарди.

Йигит қушиқ бошлаган заҳоти Темур қароргоҳидаги шохи ўтовнинг гулдор эшиги майин очилиб, гузал бир маллак - Марзия чиқар эди. У ҳаргал қушиқни тик турганча қимир этмасдан тинглашни одат қилганди.

Марзия ҳар кун туш маҳал усталарга сув келтириб берар эди. Уста ва моҳир қушиқни йигит Марзиянинг гузал қомаги, латиф ҳаракатларига маҳлиб бўлиб, уни пинҳона севиб қолади. Энди у ҳар кун қизни кутар, қушиқлари тобо-

яширинадиган жой йўқ. Темур лашкарлари уларни тутиб, зиндонбанд этадилар.

Эртаси кун эса Марзиядан қочоқ ошиққа аталган мактуб келади. Унда йигитнинг иродасизлиги, қурқоқлиги, энди гунча очган муҳаббатни паймол этгани эзилган эди.

«Бир кунда узингизни фош этдингиз-а... Барча топган обрў-эътиборингиз бир зумда сунди. Наҳот ушанда кузларимдан Сизга айтмоқчи бўлган сузларимни сезмаган эдингиз?! Сиз терган ҳар гиштнингизга меҳр кузимни тиканмаган, ҳатто ширали овоз бериб, ҳофиз даражасига кутарганди.

Бас, терган гишларингиз ва айтган қушиқларингиз энди жойини тополмайди. Қаммисиз ҳам булоқлар тулиб-тошадими. Аммо мақсадсиз қаҳрамонлик «ярқ» этади-ю, сунди. Эй ошиқ! Юрагида қатъияти йўқ одамга ишониб бўлмаслигини биласизми? Қандай қилиб энди сизга кунглимини топширай? Алвидо.

Марзия»
Ҳа, Марзиянинг кунгли устага мойил бўлмаганида эди, қиз узидан парда кутарилса, индамай кетармиди? Афсуски, ошиқ йигит илк синовлар олдидан ожиз қолди. Ирода, матонат йўқ жойда севги-муҳаббат бўлиши мумкин эмас. Меъморий уйғунлик не учун чала қолганлиги энди сизга аён бўлса керак.

И. АҲМЕДОВ тайёрлади

• Ажаб дунё

ЭҲРОМЛАР ВА КОСМИК НУРЛАР

Бирлашган Араб Республикасининг олимлари эҳромларни ўрганиш учун космик нурларни ишга солдилар. Маълумки, бундай нурлар ерни узлуксиз «бомбардимон» қилиб туради ҳамда йўлида тўсиқ ёки бўшлиқ учраганини дарров билинтириб қўяди. Космик нурларнинг мана шу хоссасига асосланиб, эҳромларни нурга солиб кўриш лойиҳаси тузилди. Бундан мақсад - эҳромлар ичидаги яширин йўллари, хазина ва сағаналарни топишдир. Тарихда рентген нурлари ёрдами билан энг йирик суратлар туркумини олиш 138 метрли Хефрен эҳромидан бошланади.

Газетамизнинг навбатдаги сони 30 декабрда чиқади.

ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Жаҳон ва ундаги мавжуд ҳамма нарса бебаҳо, аммо энг қимматлиси - тақводор аёлдир.

Аёлларнинг энг яхшиси нажиб ва порсо, болаларига меҳрибон, эри ҳамда мулкани асрайдиган хотиндир.

Хотин - эрининг ярמידир.

Қачонки бир аёл беш вақт намоз ўқиса, рамазон ойида рўза тутса, ифлатли бўлиб, эрига итоат қилса, унга айтинлар, қайси эшиқдан кирмасин, жойи жаннатда бўлади.


Хонадонда йигилиб олиб, уз эрлари устидан шикоят қиладиган қурб аёллар ҳамда уз хотинларига яхши муносабатда бўлмай, бошқа аёлни йўлдан урадиган эрлар менинг умматимдан эмаслар!

Аёлларга қилинган, яхшилик бир пардага ухшаб, кишини дузаҳ оловидан сақлайди.

Кимнинг учта қизи ёки учта синглиси бўлиб, улар балоғатга етгунча меҳрибонлик курсатса, худо унга жаннатдан жой беради.

Ифлат - аёлларнинг зийнатидир.

Худо аёлларга нисбатан яхши муомалада бўлишингиздан хурсанд бўлади, зероки улар - оналарингиз, қизларингиз ва холаларингиздир.



Умрбоқий обидалар.

ШАХМАТ ҲАҚИДА КИМ НИМА ДЕЙДИ?

Шахмат уйини одамларни сабр-тоқатга, ҳаётга жиддий қарашга, миёни оқилона машққа ургатади. Ундан ҳаёт гузаллигини тушуниш ва ҳаққониятни севиш куртаклари уйғонади. Унинг гузал курашлари ақлни харқалайди. Шахмат кишининг ақл-идроқи, иш қобилияти, характерининг шаклланишига таъсир курсатади. Шу билан бирга, уйлмайманки, шахматга қизиққан, унга вақтини аямаган усмир-ёшлар буш пайтини маънавиятни чалғитадиган турли нобоп уйинлар ёки бошқа ҳаракатларга сарф қилмайди.

Елқин ТЎРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги

«Шахмат, унинг сир-асрорини билиш учун шунчалик куч-ғайрат сарфлашга арзийдими ўзи?» деб сураганларида ёш олимлар, зиёли кишилар: «Арзийди, - дейди, - чунки шахмат инсонга у сарфлаган кучдан кура қўпроқ наф беради».

А. Ю. ИШЛИНСКИЙ,
академик, Меҳнат қаҳрамони

Менинг фикримча, аниқ мантқиқий тафаккурни устиришда мантқиқ дарслигидан фойдалангандан кура, шахмат (жиддий, керакли партияни назарда тутяпман) билан шуғулланган маъқулроқ. Негаки, одам таълим-

нинг бошқа усулларига қараганда, уйин жараёнида тузукроқ урганайди. Чунки шахмат санъатида кураш унсури бор.

Г. КЛАУС,
немис файласуфи,
кибернетика олими,
профессор

Шахмат худди севги-муҳаббат сингари, муסיқадай кишиларни бахтли қила олади.

Зигберт ТАРРАШ,
шифокор, машур немис гротмейстери

Шахматда буюк адолат бор. У янглиш учун бешафқат жазолайди, тadbир учун қувончлар ҳада этади. Инсон заковати яратган мўъжизалар ичида шахмат санъати мангу ва бепоян ижодий майдондир. Шахматда мен шеърининг, муסיқанинг, меъморлик ва рассомликнинг тугишган биродарини кўраман, турмушнинг чигал ва мураккаб, ҳаққоний ва бешафқат қонуниятларини ҳис этаман. Мен учун шахмат, аввало, узини тарбиялаш манбаи. Ҳаёт суҳмоқларида янглишмаслик, ягона тўғри йўлни топа билиш, мураккаб ҳолатларда тез ва теран фикр қила олиш, ҳар бир вазиятга тўғри баҳо бера билиш каби ҳислатларга бизни шахмат санъати ҳам ургатади.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМУЛЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.

Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тахририятга келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-1139.
4839 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00

Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6